



Хабар

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2002 yil, 9 avgustl № 32 (517)

Sotuvda narxi erkin

МУСТАҚИЛЛИК УЛУФ НЕЪМАТ

1. Мустақиллик байрамнинг 11 йиллигини нишонлаш арафасидамиз. Утган вақт мобайлида рўй берган қайси воқеалар, ўзгаришларни муҳим деб ҳисоблайсиз?

2. Сизнингча, ҳар бир фуқаро, жумладан, ўзингиз мустақилликни мустақамдан учун қандай ҳисса қўша оловингиз мумкин?


1. Мана 11 йилдирки, юртимизда истиқлол экинлари кезиб юрибди. У бизга энг аввало ўзлимизни таниш имконини берган бўлса, кейин катта-катта ўзгаришлар, янгиликларга кенг йўл очди.

Алоқачи бўлганим сабабли энг биринчи навбатда юртимизда амалга оширилган алоқа соҳасидаги янгиликларни муҳим деб ҳисоблайман. Уяли алоқа компанияларининг республикамизда фаолият юритиши, энг чекка қишлоқларда яшовчиларнинг ҳам қабел алоқаси орқали дунени томо-

ша қилиши, чет эл фирмалари билан ҳамкорлик — буларнинг барчаси истиқлол шарофати десам муболага бўлмайди. Мамлакатимиз спортчилари эришаётган галабалар ҳам назаримда муҳим ўзгаришлардан биридир.

2. Мустақилликни мустақамдан учун ҳар бир фуқаро ўз ишига масъулият билан ёндошиши керак. Тикувчи сифатли кийим тибоб, миждоҳларни хурсанд қилиш, шифокор қабулига келган беморга таъма билан қарамай, дардига малҳам қўйиш, алоқачи ҳар бир ливнингнинг кўнгидагидек ишлашини таъминлаш билан ҳам мустақилликка ҳисса қўша олиши мумкин.

Қаҳрамов АҲМЕДОВ,
“Фаргона Телеком” филиали
Учқўприк бўлими
“Охунбобова” қишлоқ
АТСи электромонтёри



Газетамизнинг 2002 йил, 21 июн, 25-сонда “Қонун талаби унутулса...” номли мақола чоп этилган эди.

Ушбу мақола юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси “Матбуот тарқатуви” масъулияти чекланган жамияти бошлиғи С.Назмутдинова юборган жавоб хатда ДАИ ходимлари томонидан қайд қилинган камчиликлар тап олинмаганди.

Давлат алоқа инспекцияси ушбу мақола юзасидан қуйидагиларни маълум қилди:

Мақолада ёритилган далиллар Қорақалпоғистон Республикаси “Матбуот тарқатуви”

ТЎҒРИ БАЁН ҚИЛИНГАН

масъулияти чекланган жамиятининг фаолиятини текшириш далолатномаларида маъжуд, ушбу далолатномаларга текширилган қорхоналарнинг маълумотлари ҳам имзо чекинган.

Ҳар бир ўтказилган текшириш натижалари бўйича ДАИ томонидан ҳужжат юритувчи субъектларга кўрсатмалар берилган ва уларнинг бажарилиши тўғрисида маълумотлар олинган. Лекин жавоб хатлари бир неча марта эслатма хати берилганидан сўнггина тақдим этилган. Кўрсатмаларнинг бажарилиши тўғрисида берилган маълумотлар бажаришдан ишлар билан тўғри келмапти.

Масалан, УзПТАнинг (ҳозир-

Танқиддан сўнг

ги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги) 2001 йил, 12 декабрдаги 334-сонли буйруғига асосан барча филиаллар маълумотларни ДАИнинг таркибий бўлинмасига кўрсатилган муддатларда тақдим этиши кўзда тутилган. 2002 йил, 15 июлга қадар “Матбуот тарқатуви” масъулияти чекланган жамиятининг биронта ҳам филиалидан 2-чорак якуни учун сифат бўйича статистик ҳисоботлар берилмаган. Ҳозирги вақтда филиаллар соҳага доир қонуний ва меъёрий ҳужжатлар билан тўлиқ таъминланма-

ган.

“Матбуот тарқатуви” АК қорхоналарига қаршли дўконларда истеъмолчилар учун тегишли реклама ва маълумотлар тарти эмас. Давлат алоқа инспекцияси газетдада чоп этилган мақолада баён қилинган камчиликлар ҳақиқатдан ҳам маъжуд деб ҳисоблайди ва қорхона ушбу камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, келгусида шунга ўхшаш камчиликларни қайта такрорланмаслиги учун тегишли чораларни кўради деб умид билдиради.

А.МАННОПОВА,
Давлат алоқа инспекцияси
бошлиғи ўринбосари вазифасини
бажарувчи

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХАБАРАЛАР

• Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Киоко Накаяма ўз дипломатик миссиясини муваффақиятли якунлади.

• Матбуотда “Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартриш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда “Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари чоп этилди.

• Америка ҳарбийлари Гуантанамо (Куба) даги ҳарбий денгиз базасига Афғонистондаги яна 34 асирни олиб келди.

Лагердаги асирлар сони айни пайтда 598 киши.

“Ассошейтед-пресс” агентлигининг хабарига кўра, лагер умуман 600 дан кўпроқ маҳбустга мўлжалланган. Пентагон ўтган ойда лагерни яна 200 асир сақлаш учун кенгайтириш тўғрисида шартнома тузди.

ТАҚДИМОТ БЎЛИБ ЎТДИ

Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясини хусусийлаштириш тақдимоти ўтказилди. Тадбирни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.ОРИПОВ олиб борди. Анжуманда “Ўзбектелеком” АКни хусусийлаштириш масаласи кўриб чиқилди. “Ўзбектелеком” АК бош директори Ҳ.Муҳитдинов маҳаллий ва хорижий журналистларга компания ҳақида маълумот берди.

“Ўзбектелеком” АК ўзининг алоқа тармоқлари билан Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларини тўла қамраб олган, сифими 1800 минг рақамдан кўпроқ телекоммуникация тармоғини, 55 фондан ортинг оптик толадан иборат бўлган минглаб километр алоқа линияларини ўзида жамлаган миллий оператордир.

Компания ўтган йили ривожланишининг юқори кўрсаткичларига эришти. Қорхонанинг молиявий ҳолати барқарорлашди. Мамлакат телекоммуникация бозорига юқори ўринларни эгаллаб бораётган компания асосий куч ва ресурсларни телекоммуникация хизматларига бўлган талабларни тўлиқ қондиришга ҳамда янги технология ва техник жиҳозларни жорий этишга қаратди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси билан ҳамкорликда компанияни хусусийлаштиришга тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Ҳозир компания олдида соҳага инвестицияни кенг жалб қилиш, бунда “Ўзбектелеком” АК акцияларининг 64 фоизини хусусий инвесторларга бериш, шу жумладан, хорижий инвесторга акцияларнинг энг камиди 51 фоизини со-

йли маҳаллий телефон тармоқларида умумий сифими 25,66 минг рақамли янги электрон АТСлар ишга туширилди.

Қорхона Миллий дастурни бажара бориб хизмат турларини кенгайтирмоқда. Мобил алоқа ва Интернет хизматларига лицензия олинганлиги бунга мисол бўла олади. Ҳозирги кунда компания овоз алоқаси (маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро) хизматини кўрсатмоқда.

Республикада олтига уяли алоқа компанияси фаолият юритмоқда. Уларда 140 минг абонент бор.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил, 30 июндаги 253-сонли Қарори билан ташкил этилган “Ўзбектелеком” АК хоржлик инвесторларни қизиқтириб қолди. Шундан сўнг компанияни хусусийлаштириш ҳақида тендер ўтказилди. Барча ташкилий ишлар амалга оширилиб, режалар белгилан олинди. “Ўзбектелеком” АК барча алоқа турлари бўйича 15 йиллик лицензияга эга.

Компания таркибига хусусийлаштирилган 14 та филиал, битта акционерлик жамияти ва бешта қўшма қорхона кирди.

Қорхонанинг муҳим иш фаолиятларидан бири хоржлик компаниялар билан алоқани мустақамлаштириш. Бу борда халқаро алоқа ташкилотлари билан фаол иш олиб боришмоқда.

Тадбирда “Ўзбектелеком” АКнинг фаолияти кенг ва батафсил баён қилиб берилди. Шундан сўнг матбуот ходимларининг кўплаб саволларига жавоблар қайтарилди.

И.АҲМЕДОВ

Илгитали Ҳамроқулов ўрта мактабни тамомлагач, Низомий номи Тошкент педагогика институтининг (ҳозирги Тошкент педагогика университети) кутубхонашунослик факультетига ўқишга кириди. У ёш-лигидан китоб ўқишни яхши қўлар, янги нашр қилинган адабиётлар тўғрисида тендошларига соатлаб сўзлаб беради. Ўқини муваффақиятли тугатиб, Ёзёвон тумани маданият бўлимида кутубхона mudiri бўлиб ишлади. Илгитали бурчини адо этгач эса қадрдон киши-ловига қайтди. Гаплари маънили, фикри теран Илгитали матбуот уюшмасига бошлик этиб тайинланди. 1967 йилнинг январидан у раҳбар сифатида иш бошлади. Уш кез-ларда матбуот нашрларини сотиш ва обуна ўтказиш бўйича Ўзбекистон тумани охириги ўринга тушиб қолган эди. Ишита меҳр боғлаган Илгитали аканинг саъй-ҳаракати билан ўтган беш йиллик фаолияти давомида обуна миқдори 25 минг донадан 120 минг нусхага ортди.

тиқ кишлоқ ва маҳаллаларга радио нукталари ўрнатилди.
1991 йилдан бошлаб алоқа тар-моғи иккинчи — почта хизмати ва элек-



КАСБИНИ АРДОҚЛАГАН ИНСОН

Газета сотадиган дўконлар иккитадан бештага қўйилди. Илгитали ака элиб югуриб матбуот уюшмаси учун янги бино қурилишини бош-лади.
1972 йили унга катта ишонч билдирилди. И.Ҳамроқулов туман алоқа тармоқларига раҳбар этиб тайинланди. Зиммасидаги масъулияти янада ортағайитини ҳис қилган Илгитали ака ишни камчиликлари-ни аниқлаш ва баргафат этишдан бошлади. Кадрларни танлаш ва жой-жайига қўйишга катта эътибор бер-ди. Фўққорларнинг арз ва шикоят-ларига қўлоқ тулди. Натижанда иш-лар жондони қолди. Илгитали ака алоқа тармоқларига раҳбар бўлиб турган пайтда тумандаги барча ҳўжа-ликларда 1,5 миңдан ортқ сийма-га эга бўлган АТСлар қурилиб, ишга туширилди. Марказий АТС ми-нғ рақамдан 300 рақамга етказил-ди. Тумандаги 50 фойздан ор-

Орализдаги одамлар

матчилар меҳрини қозонган Ил-гитали акани туманда каттаго ки-чик ҳурмат қиладди.
Унинг раҳбарлигида 30 миң-дан кўпроқ матбуот нашрлари, 20700 дан ортқ нафақақиларга нафақа гу-ларини ўз вақтида этиб боришини таъминлаш, аҳолидан суурта, газ, электр энергияси учун хизматлар тўловларини йиғиш, турли матбуот нашрларини сотиш, газета ва жур-налларга обуна қилиш борасида до-имо режа-топшириқлар ортқи бил-лан бажариляпти. Илгитали аканинг меҳнати Агентлик томонидан му-носиб тақдирланган. У 1995 йилда “Моҳир алоқачи” фаҳрий ўнвони билан мукофотланган. Шунингдек, вилоят ва туман ҳокимликларининг “Фаҳрий ёриқ” ларига ҳам сазо-вор бўлган. 36 йилдан буён туман-да алоқа тармоғи-ни ривожланти-риш, ёшларга мураббийлик қилиш билан шуғулланиб кела-

ИНСОН

ётган И.Ҳамроқулов ажойиб устоз-лар қўлида тарбия топган. Раҳматли А.Пайгамов, Р.Турдалиев, Ф.Фай-зиёевларнинг хотираси доимо ёлди. Устози Нўрмоин Каримовдан ҳозир-гача сабоқ олади. Айни чоғда И.Сайлов, А.Яхшиев, А.Қўчқоров, М.Эшонқулов, А.Давронсов каби қўлиб шоғирлари уни устоз деб эъзозлашади.
Илгитали ака нафақат талбир-кор, меҳрибон раҳбар, балки катта бир олинани бошлиғи. Тўрт ўғил, бир қизининг отаси, саккиз нафар неваранинғ ардоқлари доимо бутун 60 баҳорини қаршилади. Биз у ки-шига узок-умр, сийқат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, ишларида омад тилаймиз.
Насибжон ҲОЖИМАТОВА,
журналист
Исроилжон САЙДОВ,
“Фаргона почтаси” АЖ
Яйпан филиали
бошлиғи ўринбосари

Алоқа матбуот кўзгусида

СУЮНЧИСИГА 300 ДОЛЛАР

Бир куни Женнифер Лопес сумкасини титқилаб, мобил теле-фонини топа олмай қолибди. Кўшиқчи жуда кўрқиб кетибди: Лопеснинг телефони ягона нус-хала яратилган, олмослар қалан-ган ва 10 миң доллар турар экан-да!
Ташвишта тушган Лопес бир неча дақиқа аввал чой ичиш учун кириб чиққан кафега қайтибди. Хўш, нима деб уйлайсиз? Унга телефонини қайтиб беришибди! У телефонини пештахтада уну-тиб қолдирган экан.
Кувончи ичига сиймаган Женнифер мобил телефонини то-пиб берган ходимга 300 доллар суюнчи берибди.

АҚДНИНГ ЎЗИГА ИШОНИБ БЎЛАРМИДИ?

Ўтган йили Россия телевиде-ниесининг “О, счастливчик!” ўйинида иштирокчилардан бири мобил телефони ёрдамида най-ранг ишлатмоқчи бўлди. У сту-дияда ўтирган дўстлари билан гап-лашиб олиб, ногўёри жавоб бер-ган ҳолда унга телефон орқали хабар беришларини келишиб қўйди. Иштирокчининг чўнғи-даги мобил телефони ҳар жирин-глаганда, у дарҳол жавобини ўзгартирди. Лекин унинг бу най-ранги фой бўлиб қолди ва иш-тирокчи студиядан шармандалар-ча қайиб чиқрилди.

МАҲФИЙ АЙОҚЧИ

АҚШда фарзандининг ҳар бир қадамини билиш иштёқид-да бўлган ота-оналар уларнинг мобил телефонларига “гап пой-ловчи” мослама ўрнатиб қўйиша-ди. Бундай мосламалардан ташқ-ари Америка дўконларида махсус ми-ни-компютерларни ҳам харид қилиш мўмкин. Улар автомобил рул-ига ўрнатилади. Қарабсизки, ота-оналар ўз жигариўшлари қан-дай тезликда машина бошқараёт-ганлари, маст ҳолда рулга ўти-рган-ўтирмаганликлари ҳақида до-имий маълумотта эгалар.



Азамат ЖУМАНҚУЛОВ Тошкент электротехника алоқа инсти-тутини (ҳозирги Тошкент ахборот технологиялари университети) ту-гатгач, Шаҳрисабз алоқа корхонасида ишлаб бонлади.
1996 йили Германиянинг Москвадаги ўқув марказида замонавий рақамли техникаларни ишлашти бўйича курсларни тутатди. Шундан буён Шаҳрисабзда ўрнатилган электрон АТСда катта муҳандис вази-фасида хизмат қилмоқда.
Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сураг

ЯНГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ

“Ўзбекистон маркаси” ак-циядорлик жамияти “Буюк ипак йўли” рукни остида ки-чик варақчада тайёрланган “Қадимий тангалар” номли ба-дий почта маркалари тўпла-мини нашрдан чикарди.
Янги почта маркаларининг баҳоси 30, 45, 60, 90, 125, 160 сўм. Ушбу маркалар 20 минг нусхада, тўрт хил рангда чоп этилган.

“Қарияли уй — барақали уй” танловига

Болта бобо ариқ бўйидаги гу-жумга анча термулиб қолди.
• Иқбол момо эса “чоли тушмагур ўтган кунларини эслапти” деган фикрга бориб, диққатини бўлмас-лик учун чойнақдан сузган чой-ни узатмай жим тураверди. Бу орада ҳовли эшиги ланг очилиб, болалар кириб кела бошлади.
• Бобо ҳаёдан чалғиди.
• Бир зумда гўжум остидаги чорпоя узок-яқиндан келган фар-зандлар ва невара-чеваралар би-

тақдирланган жанчи госпиталдан чиққан, яна фронтга қайтди. Энди илк кунлардаги кўрқув ўрнини нафрат туйғуси эгаллаган эди. Шу тарзда у Украина, Белоруссия, Польша, Венгрия, Руминия, Гер-мания ва Австрия тупроқларини жангу жадал билан босиб ўтди.
1947 йили тувилиб ўсган юрти Бойсуннинг Кўшак қишлоғига соғ-омон қайтиб келган Болта Шумуровов ўзини меҳнатга урди. У севган касби алоқачиликни пух-

САКСОНИНЧИ БАҲОР БЕКАТИ

л а н
• Болта
• б о б о
• у ш б у
• к у -
• тилмаган ташрифни ҳар галгидай ҳазилга йўйди: “Нима бало, уяси бўзилган аридай тўзибсизлар, бирон гап борми дейман?”
• Тўйингизга келдик бобо-жон, тўйингизга!
• — Илойим, уйингга буғдой тўлсин болам, қанақа тўй?
• — Юбилейингиз-чи, юбилей?!
• Агар тўнғич фарзанди Гулба-ҳор опа “Отажон, саксон ёшин-гиз кутлуғ бўлсин” дея беқасам тўн кийтизмаганида Болта бобо гап нимадалигини англайолмай ўтираверарди.

кент алоқа билим юртида таҳсил олди. Ўқини тамомлагач, Бой-сун тумани алоқа бўлимида 30 йилдан кўпроқ вақт меҳнат қилиб, тоғли туман қишлоқларини теле-фонлаштириш ва радиолашти-ришда фаол иштирок этди. Ҳалол ва беминнат хизмати ила кўпчи-ликнинг ҳурматини қозонди, эл назарига тушди. Энг кувонлари-си, қаҳрамонлиқ сиз фарзанди-дан бирида ўз касбига ҳавас уй-ғота олди. Ҳозирда қизи Мухар-рам “Сурхондарё Телеком” шўба корхонасининг Бойсун филиали-да хизмат қилмоқда.
— Оилада ҳам, ишда ҳам дои-мо отамнинг насиҳатларига амал қиламан, — дейди Мухаррам. — Микозлар меҳрини ва ҳурматини қозониб осон эмаслигини эсла-тиб гурашлар. Ота касбини давом эттираётганимдан фарҳангаман.

• Болта бобонинг топшириғи пайсалга солинмади. Тез орада ўн бир фарзанд, 51 набира, 8 эвара шўхлиги-ю ўйин-кулгуси дарак-лару гулларга бурканган ҳовлини ўз оғушига олди.
• Шомдан сўнғ хонадонга Бол-та бобонинг узанги бироларлари келишиди. Бир вақтлар тугал бўлган бу саф анчагина сийрак-лашиб қолган.

... Болта бобо билан шу йил 7 май куни Термиз шаҳрида суҳ-батлашдим. У киши касб байра-ми ҳамда 9 май — Хопира ва Қадр-лаш куни муносабати билан “Сур-хондарё Телеком” шўба корхо-насида уюштирилган тантанага тақлиф қилинганини беҳад сую-ниб гапирди. Ўзига кўрсатилган иззат-икром учун корхона раҳба-рийатини алқаб дуо қилди.
— Умрининг саксонинчи ба-ҳорини кўрдим, — дейди Болта бобо. — Унинг бекатларида гоҳ тобландим, гоҳ дам олдим. Фар-зандлар тарбиялаб ўстирдим. Шо-ғирлар этиштирдим. Бир инсон-га бундан ортқ нима керак.

• Болта бобо ва унинг дўстла-ри учун ортда қолган қийин кун-лар ўзига хос имтиҳон бўлди. Улар “Иккинчи жаҳон урушига Бойсу-ндан бир гуруҳ бўлиб кетишган эди. “Қирқ йил қирон келса ҳам ажал етмаса...” деганлари рост экан. Жангчи Болта Шумуровов Курск остоналарида душман бил-лан юзма-юз бўлди. Бомбалар портлагани сари ер ларзага келар, ўқ ёмирида узилиш бўлмас эди.
• Жангнинг авж палласи. Душ-манга қақшатқич зарба берилёт-ган бир пайтда осмондан таш-ланган бомба Болта Шумуро-ловни баланда улоқтирди. У гос-питалда ҳушига келди. Давола-ниш узокқа чўзилмади. Бойсун қир-адирларида қўй боқиб, му-саффо тоғ ҳавосидан тўйинган, суюғи меҳнатда қотган кишлоқ йиғити жароҳатларни тез энга олди. Жасорати учун “Иккинчи даражали шўхраг ордени” билан

Ха, бойсунлик уруш ва меҳ-нат фаҳрийси, кекса алоқачи Болта бобо Шумуровов бу ўринда ҳақ Дарҳақиқат, ҳаётда инсон умри меҳнат билан гўзал, эъзозлидир.
Нортоғжи ЗИЁЕВ,
Сурхондарё вилояти

ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР АНИҚ

2 август куни Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий уни-верситети спорт зали Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиғи ҳамда республика алоқа холимили касабга уюшмаси марказий кўмита-сининг кўчма кубоғи учун ўтаётган муСОбақа иштирокчилари билан гавжум бўлди. “С” ва “Д” гуруҳларида учта ўйин ўтказилди.

- “Ўзбекистон почтаси” ДАК — “Махсус алоқа” — 2-2
- ТопАТУ — “ЭМММ” — 15-1
- ЎзААА — “Тошкент Телеком” — 3-23.
- “А” ва “Б” гуруҳларидаги натоқалар:
- РТУМ — ТопТТС — 0-3
- ТШПТ — “Бузгон” ҚК — 14-0
- “Ўзлуробига” ҚК — РРТК — 13-1
- “Ўзбектелеком” АК — “Алоқабанк” — 4-3 бўлди.

3 август куни Наманган шаҳрида “Наманган Телеком”, “Анд-ижон Телеком” ва “Фаргона Телеком” жамоалари ўртасида минн футбол бўйича худудий биринчилик бўлиб ўтди. Бу баҳсларда икки ўйинни ҳам галаба билан якунлаган “Фаргона Телеком” жамоаси би-ринчи ўринни эгаллаб, чорак финалга йўланма олди. Иккинчи ўрин “Наманган Телеком” ва учинчи ўрин “Андижон Телеком” жамоасига насиб этди.

- “Андижон Телеком” — “Фаргона Телеком” — 5-15
- “Наманган Телеком” — “Андижон Телеком” — 13-3
- “Наманган Телеком” — “Фаргона Телеком” — 3-12.

Электромагнит мослашув маркази жамоаси Бухоро вилояти электрмагнит мослашув хизмати бошлиғи Ҳ.Фахриддиновга онаси **Ойша ЮСУПОВА**нинг вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия ихсдор этади.

Яқинда жуда галати воқеанинг гувоҳи бўлдим. Бу ҳодиса лафз, қасам билан боғлиқ. Шундан сўнг хулоса қилдимки, ўттиз иккита тишимиз орасидан чиққан ҳар битта сўзнинг ҳисоб-китоби бор экан. Айниқса, ваъда, қасам, қарғиш каби каломларда... Бироқ буни билган билади, билмаганлар-чи? Билмаганлар ҳар икки гапнинг бирда бирон қадрли нарса ёки қадрли инсонлар номи билан ваъда бераверади. Гўёки шу тахлит гапир-маса, биров унга ишонмайдиғандек...

Шаҳодат исми бир қизни билардим. У илондан қўрқмасди ва зарурати бўлганларга илон ушлаб берарди. Биласизми, халқ табобатида илон тананинг ички шамоллашига дори, дейилди. Яқиндагина Шаҳодат билан учрашганимда ҳам қўлида илон бор эди. Эндигина ушлаб, елим идишга солиб турган экан. Узунлиги тахминан 50-60 сантиметрлар келадиган илон негадир жуда ҳам сокин эди, гўёки унга ҳеч қим даҳл қилмаётгандай.

— Елим идишга тураверадими, ташқарига чиқиб кетмайдами? — деб сўралдим сабрим чилмай. Чунки болалигимдан илондан жуда қўрқардим.
— Қўрқаяпсиз-а! — деди у бемалол жилмайиб. — Қўрқман, бу илон елимдан чиқиб унун ҳам кичкиналик қилади. Фақат бунда димланиб қолиши мумкин. Келинг, яхшиси шиша идишга солиб қўямиз.

Табииyki, бу ишни кўриш ниятим йўқ эди. Дарҳол қўшни хонага йўл олдим. Шаҳодат бўлса кулчанча бир литрли шиша идишга ун сола бошлади. Эндигина қўшни хонанинг деразасига яқинлашган эдим, тўсатдан Шаҳодатнинг чинқирғи эшитилди. Эсох-

нам чиқиб, турган жойимда бақира бошладим:
— Шаҳодат, нима бўлди?!
— Илон чиқиб кетди!

ИЛОНГА ҚАСАМ...

— Чиқиб кетди? Қаяққа чиқиб кетди? Ушланг, қочиб кетмасин! Унинг ичидан топиб бўлмайди илонни!

— Ушлолмаганман! Қочиб кетяпти!
Ё ҳайратингдан! Яшин тезлигида ҳаслимдан “У илондан қўрқмасди-ку, нега бақиряпти?” деган фикр ўтди.

Шаҳодат янада ваҳима билан чинқириб юборди.

— Чақиринг, кимнидир чақиринг, мен қўрқяпман!
Ана ундан сўнг мен тамом бўлдим. Бироқ иложсиз, минг бир азоб билан Шаҳодатнинг ёнига бордим. Не қўза билан кўрайки, илон шиша идишнинг тубига таяниб, бутун бўйи билан тик турарди. Шаҳодат эса нафаси ичига тулар даражада личирларди: “Эсимда, эсимда, эсимда...”

Шу тариха қанча турдик, ҳозиргача ҳам илғай олганим йўқ. Бир

вақт Шаҳодат аста-аста ҳаракат қилиб, қўлига ёғинасида турган газетани олди-да, кутилмаган тезлик билан илонни бошидан уриб, идишга киритди. Яна шу ҳаққонлик билан илтиш қопқонини ёпиб олди. Илон идиш ичига қамалганини кўргандан кейингина танамга жон киргандай бўлди. Шаҳодатнинг ўзи эса, деярли жонсиз ҳолатда чўзилиб қолди... Кейин эса у менга жуда галати воқеани айтиб берди.

“Илондан умуман қўрқмасдим. Аксинча, илонлар мени кўрганда ка-

олгани келди” деган фикр ўта бошладим. Танамда жон йўқ, тек қотдим. Қимирласам, у мени чақиб ўлдирадигандек, унга тикилиб туравердим. Бир маҳал илон менга нималарнидир айта бошлади ва мени унинг гапларини тушунаётгандай эдим. У бундан бўён илонларни ўлдирмаслигим ҳақида гапирётган эди. Мен унга сўзсиз итоат этиш кераклигини бутун вужудим билан ҳис қилардим. Ушанда қасам ичдим: “Бошқа ҳеч қачон илон ўлдирмайман!” Илонасиизми, илон гўёки мени мажбур қилди!

Уч бора қасамини овоз чиқариб такорладим. Буларни ҳам айнан илоннинг буйруғи билан бажардим. У атрофимдаги кўза кўри-

ниб-кўринмай турган жонзоғлар гувоҳлигида қасамд қилишимни хоҳлади. Ҳалиги илон аста-секин пастлаб, ерга узанди. Шунда унинг даҳшати даражада узунлигини пайқадим. Салкам тўрт метрлар келарди чамамда. Хотиржамлик билан сирғалиб, оғилхонадан чиқиб кетганда илон бундан ҳам узундай туюлиб кетди. Шу-шу, илон деган нарсага яқинлашмай кетдим. Қўрсам, уша илон кўза ўнгимда гавдаланадиган бўлди. Кейин эса узоқ вақт умуман илон кўрмай қолдим. Ҳатто бу воқеа ёшимдан ҳам кўтарилиб кетган экан. Куни кеча бир кўшнимиз жуда қаттиқ илтимсо қилиб, илон тутиб келтириб берилса, дори тайёрлаб бергин, дедилар. Бояги илон шундай қилиб, уйимизга келиб қолганда-да! Ордан ун икки йилча вақт ўтганигами, қасамини деярли унутган эканман”.

Барно ИСОҚОВА

● Биласизми?

Пул нафақат моддий фаровонлик омили, балки у бамисоли шайтон ҳамдир. У иблис сингари одамлар қалбига вавсаса солиди, уларни турли жиноятларга етаклайди. Бойлик учун айримлар ўғирлик, қотиллик, фирибгарлик, қалбоблик қиладилар. Яна бир тоифа кимсалар борки, улар пулни қалбакилаштиридилар. Деярли барча мамлакатларнинг кушораларида пулни қалбакилаштирганлик учун жазо берилиши ҳақида огоҳлантириш бор.

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Лекин ана шу жазо ҳам қалбаки пул ясовчиларга сабоқ бўлавермаслигини матбуот хабарларидан ўқиб, билиб туриб-миз.

Дунёдаги энг қадимги қонунлар мажмуаси деб ҳисобланувчи подшо Ҳаммурапи қонунларида қалбаки пул ясаганлар ўлим жазосига маҳкум этилиши белгилаб қўйилган.

Қўзна Римда ҳам пулни сохталаштирганларни аёвсиз жазолаганлар. Агар қаллоб кул бўлса, у қатл этилган. Маболо Рим фуқароси шу ишга қўл урса, уни йиртқич ҳайвонларга емиш қилганлар.


Бошқа бир қатор мамлакатларда, хусусан, қадимги русда қалбаки пул ясовчиларнинг томоғига қалайи ёки кўргошин эртиб қўйганлар ёхуд қўл-оёғини кесиш билан жазолаганлар. Ажабланишлики шундаки, пулни қалбакилаштирувчилардан асрлар оша маҳкум урлиги сўнмай келаётган киши-

лар ҳам етишиб чиққан. Ушалардан бири қўзна грециялик файласуф Диогендир. Воқеа бундай бўлган.

Диогеннинг отаси Гинесий йиррик пулларни майясига ва аксинча, чет эллардан келган савдогарларнинг пулларини маҳаллий пулга алмаштириб берувчи сарроф эди. У қалбаки тангалар ясаб, уларни ҳаққийларига кўшиб, хоржий савдогарларга ўтказиш билан ма-

шғул бўлган. Бу қаллобликка ўғли Диогенни ҳам жабл этган. «Кўза кунда эмас, кунда синади» деганларидек, бир куни Гинесийнинг жинояткорона қилмиши ошқор бўлди. Суд уни зиндонга ташлаб молмулкни Синоп шаҳри фойласига мусолара қилиш, ўгли Диогенни эса шаҳардан ҳайдаб чиқариш тўғрисида ҳукм чиқарди. Бу пайтда бўлгуси файласуф ўн саккиз ёшли навқирон йигитча эди. У Африкада яшайди, сўнг Коринфга кетди. Йиллар ўтиб, унинг номи бутун Грецияга ёйилди. Унинг бисотида биттагина фокус бўлиб, кундуз кунлари ҳам уни ёқиб кўтариб юрган. Бунинг боисини сўраганларга Диоген: “Инсон деган номга муносиб ҳаққий одамни қидирапман”, деб жавоб берган.

Ҳа, инсон пулнинг кули бўлмаслиги керак, аксинча пул инсонга хизмат қилиши лозим. Чунки пулни инсоннинг ўзи яратган.



● Ажаб дунё

РУҲИЙ ҚУВВАТ ИЛА ТАНА СОҒАЯДИ!

Инсон қимматли, сифатли, экологик тоза озиқ-овқатларни истеъмол қилса-да, булар кимдандир нафратланаётган одамнинг вужудида захри қотила айтаган экан. Доимо ғазб билан юрувчи инсон вужудида зарарли моддалар тўғиланиб боради ва у бу моддаларни тери орқали чиқариб ташлай бошлайди, оқибатда... жориз (тангазачи темиртки) касаллиги келиб чиқди! Олимларнинг хулосаси шундай. Бу тахмин жориз билан оғри-

ган бемор мисолида ўз тасдиғини топди. У тинмай дори ичар, аммо сира тузала олмас эди. Шунда олимлар беморга кимнидир ёмон кўрмайсизми, дег мувожаот қилишди. У отасини ёқдирмас экан! Бемор аввал насронийлик ақидасига кўра худди душманидек, кейин бир бахтсиз одамдек ва охири ўз отасини севгандек севишга ўз-ўзини мажбур қилди. Шунда руҳий сокинлик ва хотиржамликни ҳис қилди, терисидати яралар эса гойиб бўлди!

ХАНДАЛАР

— Жонгинам, ёлғиз сени яхши кўраман, деб қасам ич.
— Яхши, қасам ичмаман. Аммо бир нарсага хайронман, нега ҳамма эркаклар шунақа қасам ичиринишади?

— Эр-хотин жанжаллашиб қолинди. Хотин деди:
— Хой, кўрқок, пастта тушсанми-йўқми? Нега шафвинг устига чўшиб олдинг?

— Эр:
— Уйда мен хўжайинман. Қаерда хохласам, шу ерда ўтираман.

— Анави маймуи Густав тоғанига қўйиб қўйгандай ўшарканми? — деди эр хотини билан зоорақда айланиб юришганда.
— Қўйсанг-чи, эшитиб қолса хафа бўлади, — деди хотини.
— Нивалар дегансам, қаердан эшитилди, ахир у бунан ебни билан овора-ку.

— Янги кўчиб келган кўшнларимиз жуда аҳля эканми, — деди эр хотинига, — ҳар куни эрталаб ишга кетаётганда эри хотинини ўғиб кетади.

— Уларни макташнинг яхши, — деди хотини, — аммо айт-чи, нега сен шундай қўймайсан?
— Қизилмасан, хотин, мен уларни ҳали яхши танимайман-ку.

— Кеча уйга кечиб келганимда хотининг нима деди?
— Ёмон сўзларини ташлаб айтгани?
— Майли.
— Унда ҳеч нарса дегани йўқ.

Бир ёзувчининг хотини меҳмондорчиликка ўзининг янги тиктирган қўйлагини кийиб борди. Қўйлак шунчалар бежирим тикланган эдики, барча эркакларнинг кўзи ундан узмай қолди. Уй эгаси пайт топиб ёзувчига деди:

— Хотинингиз жуда кўхликка экан, қўйлагининг ўзи ажойиб бир кўшн.
— Сиз адангисиз, дўстим, — деди ёзувчи, — унинг қўйлаги бир кўшн эмас, тўрт хикоя ва учта осседир.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“Андижон Телеком” филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси қўмитаси жамоалари Хўжаобод телекоммуникация боғламаси катта ҳисобчиси Абдухалил ўРМОҶОВНИ туғилган куни билан қизгин табриклайдилар. Унга сиҳат-саломатлик, ишларида муваффақият ва оилавий бахт тилайдилар. ***

“Андижон почтаси” АЖ Булоқбоши филиали жамоаси ва туман алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси қўмитаси почта шаҳобчаси директори Маҳмадвали ОРЗИЕВНИ туғилган куни билан табриклайди. Унга соелик-омонлик, ишларида ривож, оилавий бахт тилаб қолади.

МУАССИС:
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
●
Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДУҲАЕВ,
Шухрат ЖАББОР,
Анатолий КУДИНОВ,
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Мирғолат МИРЗО,
Рустам ҚОСИМОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35,
А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛ: 136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
Habar@uzapt.uzpak.uz
ИНДЕКС: 64600
Жума кунлари чиқади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасидан 00011 рақам билан рўйхатда олинган.
Буортма №Г-773.
5239 нускада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 160с матабоқ.
Газета таҳририят компютер базасида терилди ва сақиланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ БОСМАХОНАСИ.
Мониторинг Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Матн терувчи: Д.МАТКУРБОНОВА
Саҳифаловчи: Ш.КИМсанБОВЕВ
Босишга топшириш — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00